



**ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ
ХИЗМАТИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИ БЎЙИЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРНИ
АМАЛГА ОШИРИШ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

Мустофакулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, капитан

Эшонқулов Ёрбек Хазратқул ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 211-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15227471>

ARTICLE INFO

Received: 31th March 2025

Accepted: 10th April 2025

Published: 16 th April 2025

KEYWORDS

*Ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси,
ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
хизмати, профилактика
инспектори, асосий вазибалар.*

ABSTRACT

*Ушбу мақолада ҳуқуқбузарликлар
профилактикаси хизматининг вазифалари
ва функцияларини мақбуллаштиришга оид
ҳуқуқий асосларнинг ривожланиши
босқичлари, профилактика
инспекторларининг асосий вазифалари,
ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати
соҳасидаги ислохотлар ва амалга
оширилатган ишлар ҳақида сўз юритилади.*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш, ҳуқуқбузарликни содир этилишга сабаб бўлаётган шарт-шароитларни аниқлаш ва уни бартараф этиш орқали аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида самарали чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳусусан ички ишлар органлари соҳасида ҳам бир қатор ислохотлар амалга оширилиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ҳуқуқбузарликларга қарши муросасиз курашиши ва профилактикаси бўйича ижобий натижаларга эришилмоқда. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати тизимини ривожлантиришнинг амалий механизмларини тадқиқ этиш, соҳада мавжуд муаммолар ечими юзасидан амалий ва назарий таклиф ва тавсиялаш ишлаб чиқиш, айниқса, бу борада масъул ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва олий юридик таълим муассасалари ҳамкорлигини жадаллаштириш бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, *“Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Айнан шу талаб тизимда амалга оширилган ва давом этиб келаётган ислохотларнинг асоси ва мақсади бўлиб*

хизмат қилмоқда. *Халқ манфаатларига хизмат қилиш, чинакам халқчил, халқпарвар бўлиш ички ишлар органлари фаолиятининг бош мезони бўлиб қолиши лозим*¹.

Жамиятимизда “Қонун ва адолат – устувор”, “Жинойтга жазо муқаррар” деган муҳим принципларни таъминлаш, ички ишлар органларини том маънода инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячисига айлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилиб, “Хавфсиз шаҳар”, “Хавфсиз пойтахт”, “Хавфсиз ҳудуд”, “Хавфсиз туризмни таъминлаш”, “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш”, “Хавфсиз хонадон” концепциялари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани турли ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишда, шунингдек, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашга оид яратилган ўзига хос тизимда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари хусусида қайд этиш лозимки, давлат мустақиллигининг илк даврларидан то бугунги кунга қадар ўтган йиллар давомида уларнинг ҳуқуқий мақоми ижтимоий ҳаёт ривожланишига мутаносиб тарзда такомиллаштирилиб келинмоқда. Хусусан, ушбу йўналишда тарихга назар ташлайдиган бўлсак, мустақиллик йилларида ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини такомиллаштиришга оид кенг кўламли ишлар амалга оширилди ва мазкур йўналишдаги ишлар ҳозир ҳам тинчлик ва осойишталикни янада самарали таъминлаш мақсадида изчил давом эттирилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини ошириш масаласи ҳар бир Ички ишлар органлари нафақат профилактика инспекторининг балки, барча фуқароларнинг асосий вазифаларидан бири сифатида улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларида мустаҳкамланган.

Жумладан, ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш учун, аввало, аҳолининг ҳуқуқий фаоллигини юксалтиришга, уларнинг амалдаги қонунлардан хабардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратади ва бу йўналишда қатор тадбирларни амалга оширади. Масалан, ички ишлар органлари томонидан гиёҳвандлик, терроризм, одам савдосига қарши кураш борасида кўплаб тушунтириш ва тарғибот ишлари амалга ошириляётганлигини алоҳида қайд этиш мумкин².

Бугунги кунда Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг вазифалари ва функцияларини мақбуллаштириш фикримизча, 3 босқичга бўлсак мақсадга мувофиқдир. Биринчи босқич. Ушбу босқичда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2822-сон Фармони³ ҳам ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий мақоми такомиллаштирилишида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб,

¹ <https://daryo.uz/k/2017/02/09/shavkat-mirziyoyev-ichki-ishlar-organlari-faoliyatini-tanqid-qildi>.

² Абдираимов А., Турсунмуротов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги: асосий принциплари ва шакллари // Наука и технология в современном мире. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 74-80.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2822-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>. 5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги «Жинойтчиликка қарши курашда профилактика хизмати ролини кучайтириш чоралари тўғрисида»ги 247/41-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>

мазкур фармон Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ташкилий тузилиши ва асосий вазибаларини белгилаб берди ҳамда унинг ижросини таъминлаш мақсадида соҳавий хизматлар фаолиятини ташкил этишга оид тегишли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Масалан, 2001 йил 6 июндаги «Жиноятчиликка қарши курашда профилактика хизмати родини кучайтириш чоралари тўғрисида»⁴ги 247/41-сон қарори асносида республиканинг барча маҳаллаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг энг қўйи бўғини ҳисобланган таянч пунктлари ташкил этилди ҳамда уларда профилактика инспекторлари фаолияти йўлга қўйилди ҳамда ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги ҳамкорлиги янада мустаҳкамланишига хизмат қилди⁵. Назаримизда, ушбу босқич ҳуқуқий аҳамияти қўйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий мақоми такомиллаштирилиши;

иккинчидан, маҳаллаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларининг энг қўйи бўғини ҳисобланган таянч пунктлари ташкил этилиши;

учинчидан, профилактика инспекторлари фаолияти йўлга қўйилди ҳамда ички ишлар вазирлигининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва кенг жамоатчилик билан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги ҳамкорлиги янада мустаҳкамланишида ўз аксини топади.

Иккинчи босқич. Ушбу босқичда, 2014 йилнинг 14 майда Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги⁶ қонун қабул қилинганлиги бевосита ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг профилактикасини самарали ташкил этиш ҳамда профилактика фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммоларни ечишни имконини берди ва ушбу қонунда профилактика инспекторларининг қонуний ваколатлари қатъиян белгилаб берилди ҳамда маънавий-маърифий, ҳуқуқий чора – тадбирларни амалга ошириш бўйича тегишли давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда иш фаолиятини амалга оширишини белгилаб берилди. Ушбу босқичда энг муҳим бўлган “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши айнан профилактикани амалга оширувчи профилактика хизматларни вазибаларини ташкил этишда ўз аксини топади.

Яқуний босқич. Бу босқичда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг вазибалари ва функцияларини мақбуллаштиришнинг якуни ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши ҳам ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг бугунги ҳолатини тушуниш, мақсади ва вазибаларини белгилаб олишда ўзига хос аҳамиятга эгадир. Хусусан, қонуннинг 4-моддасида ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон

⁴ Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>. 5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июндаги «Жиноятчиликка қарши курашда профилактика хизмати родини кучайтириш чоралари тўғрисида»ги 247/41-сон қарори // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>

⁵ Ахмедов И. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 116-123.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ371-сон Қонуни [Электрон манба: <https://lex.uz/acts/-2387357> (мурожаат қилинган сана: 28.10.2024)].

бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахсларни аниқлаш эканлиги белгилаб қўйилди⁷.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сонли қарори⁸ билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти субъектларининг ҳамкорлигини такомиллаштиришга ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини амалга оширишда янада самарали тизим яратилишига хизмат қилди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг вазифаларини мақбуллаштириш ва профилактика инспекторларини уларнинг вазифа ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган тадбирларга жалб қилиш ҳамда фаолиятига асоссиз аралашиб тақиқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон⁹ Фармонининг 4-иловасига биноан ички ишлар органларининг профилактика инспекторлари зиммасига юклатилган 22 та вазифалар рўйхати тасдиқланди. Ушбу рўйхатда профилактика инспекторлари фуқароларнинг ҳуқуқлари эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш ҳуқуқбузарликларга қарши муросасиз курашиши ва профилактикасини амалга ошириб, жамият тинчлиги, равнақи ва фаровонлигига ўзини ҳиссасини қўшиши белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3-январда қабул қилинган “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ 1-сон қарори қабул қилиниши Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматида муҳим аҳамият касб етди десак муболаға бўлмайди. Хусусан ушбу қарорга асосан:

а) вилоятлар марказлари ва криминоген вазият оғир туман (шаҳар)лар маҳаллаларида хизмат олиб борувчи ички ишлар органлари профилактика кичик инспектори лавозимини киритиш ҳамда унинг зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни юклаш: меҳнат миграциясидан қайтиб келган фуқаролар, мактаб битирувчилари ҳамда талабалар билан ижтимоий профилактика чоралари доирасида манзилли ишларни амалга ошириш;

маҳаллалар ҳудудида содир этиладиган айрим турдаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича белгиланган тартибда баённомалар тузиш кичик инспекторнинг ваколатлари сифатида белгиланган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ички ишлар органлари профилактика хизматини фаолиятни вазифаларини мақбуллаштиришнинг ҳамда профилактика хизматларини «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида хизматни ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилгани, шунингдек, хизматнинг эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, жамоат хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш фаолиятини «Барча саъй-ҳаракатлар инсон қадрини учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифаси яратилгани билан ифодалаш мумкин. Ушбу мамлакатимизда амалга оширилётган туб ислохотлар фуқароларнинг ҳуқуқлари,

⁷ Ахмедов И. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий асослари //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – №. 12. – С. 116-123.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833-сонли қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/3141186>.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони. Электрон манба: <https://lex.uz/uz/docs/5749291#5749827>. Мурожаат вақти: 24.01.2024 й.

эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишни самарали ташкил этиш имконини беради. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматлари соҳасидаги ислохотлар энг қуйи бўғин ҳисобланган профилактика инспекторларининг фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда такомиллаштиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. <https://daryo.uz/k/2017/02/09/shavkat-mirziyoyev-ichki-ishlar-organlari-faoliyatini-tanqid-qildi>.
2. Абдираимов А., Турсунмуротов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги: асосий принциплари ва шакллари //Наука и технология в современном мире. – 2022. – Т. 1. – №. 7. – С. 74-80.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 27 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идораларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-2822-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - <http://lex.uz>.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ 371-сон Қонуни [Электрон манба: <https://lex.uz/acts/-2387357> (мурожаат қилинган сана: 28.10.2024)].
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ-27-сон Фармони. Электрон манба: <https://lex.uz/uz/docs/5749291#5749827>. Мурожаат вақти: 24.01.2024 й.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 3-январда қабул қилинган “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ 1-сон қарори <https://lex.uz/docs/7330260>
7. Mustofaqulov B. A. O., Turg'unpo'latov A. A. O. INSPEKTORAL TIBBIY KASALLIKLARNING profilaktikasi, VA DEPUTATLIK NAZORATI PARLAMENTI //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – V. 2. – No 2-2. – B. 83-87.
8. Bobur, Mustofaqulov, Asror Ohli va Asadbek Abror Ohli Abduxalilov. “NODAVLAT NOTIJORAT TOSHQILOTLAR BILAN HAKORLIGINI TAKOMILLASTIRISH” PRAFAKTIKA INSPEKTORI. Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.1-2 (2024): 130-136.
9. Qushboqov S. X. Usipbekov NJ Yurtimizda mahkumlarni ozodlikka tayyorlashda amalga oshirilgan islohotlar va ulardan kutilayotgan natijalar //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 12. – С. 179-182.
10. Qushboqov S., Tilabov S. Kiber jinoyatlardan saqlanishda umumiy profilaktikasi o'rni //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 18. – С. 67-69.
11. Кушбоцов Ш. Юртимизда тадбиркорликни жазони ижро этиш тизимидаги истицболи //Models and methods in modern science. – 2023. – Т. 2. – №. 5. – С. 114-117.
12. Охунов З., Кушбоцов Ш. ТТСЭ (2022). Хуцубузарликларни олдини олишга оид айрим мулох, азалар //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
13. Qushboqov S. Isroilov D. Profilaktika inspektorining huquqbuzarliklar profilaktikasida adliya organlari bilan hamkorligi tushunchasi //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 23. – С. 96-103.

14. Қушбоқов Ш Т. Э. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган айрим тоифадаги маҳкумлар устидан маъмурий назорат ўрнатиш тартиби //Zamonaviy dunyoda innovatsion tadqiqotlar: Nazariya va amaliyot. – 2023. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-44.
15. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасалари фаолиятида тадбиркорликнинг ўрни //Международная конференция академических наук. – 2022. – Т. 1. – №. 27. – С. 16-20.
16. Рустамов С. Қушбоқов Ш. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясининг жазони ижро этиш департаменти фаолиятидаги ўрни //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – С. 10.
17. Аумаханович, Kalauov Saydulla, Allayarov Nurmanbet Urazimbetovich, and Qushboqov Shohruh Xasan o'g'li. "Yo'l-transport hodisalarini oldini olish faoliyatini takomillashtirish." *Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies* 2.1 (2024): 157-160.
18. Qushboqov S., Xalilov J. Ma'muriy Jazo Tushunchasi, Maqsadi Va Turlarining Mazmun-Mohiyati //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 7-12.
19. Qushboqov S., Jumashov O. Huquqbuzarliklar profilaktikasida deputatlik va parlament nazoratining o'g'ri //Общественные науки в современном мире: теоретические и практические исследования. – 2024. – Т. 3. – №. Maxsus son 12. – С. 54-56.
20. Qushboqov S. Narsani musodara qilish jazosini ijro etishning ilmiy-nazariy tahlili //Развитие педагогических технологий в современных науках. – 2025. – Т. 4. – №. 1. – С. 79-83.
21. Қушбоқов Ш. Сущность понятия и виды административного взыскания //Общество и инновации. – 2024. – Т. 5. – №. 6. – С. 418-423.
22. Қушбоқов Ш. Научно-теоретический анализ исполнения наказания в виде возмездного изъятия предмета //Общество и инновации. – 2025. – Т. 6. – №. 1/S. – С. 87-90.
23. Qodirjonovich J. Z., O'G'Li Q. S. X. Bir guruh shaxslar tomonidan axborot texnologiyalardan foydalanib sodir etilgan firibgarlik va o'g'rilik jinoyatlarining sodir etish usullari va ularni tergov qilishga oid ayrim mulohazalar //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2024. – Т. 4. – №. 5. – С. 137-144.
24. Qushboqov S. Mamatova D. Yangi O'zbekistonda huquqbuzarlik profilaktikasining o'rni //current approaches and new research in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 10. – С. 37-39.
25. Qushboqov S. Zamonov X. Shaxsning hayoti va sogligiga qarshi jinoyatlarning oldini olishning oziga xos xususiyatlari //Инновационные исследования в науке. – 2024. – Т. 3. – №. 1. – С. 79-84.
26. Қушбоқов Ш С. М. Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни //Science and innovation in the education system. – 2023. – Т. 2. – №. 13. – С. 73-76.
27. Охунов З. М., Қушбоқов Ш. Х. Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2022. – Т. 2. – №. 11. – С. 34-39.
28. Қушбоқов Ш Т. Ж. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 2. – С. 49-55.
29. Қушбоқов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларининг юридик шахс сифатидаги тушунчасининг таснифи //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 4. – С. 58-63.

30. Алтмишев Т., Кушбоцов Ш. Жазони ижро этиш муассасаларида махкумларнинг сайловга оид хуцуцларини таъминлаш //Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук. – 2023. – Т. 3. – С. 112-114.

